# ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

*Комсомол-ёшлар саҳифаси*

ПАРТИЯ МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАГАНДА ҲОЗИРГИ ЁШЛАРНИНГ МАҲОРАТИГА, ДАДИЛ ФИКРИГА, МЕҲНАТ ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИГА КЎП ЖИҲАТДАН УМИД БОҒЛАЙДИ, ДЕГАН ТУШУНЧА ҲАР БИР ЁШ МЕҲНАТЧИНИНГ ОНГИГА СИНГДИРИЛСИН. ЁШЛАР СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАГА САБОТ-МАТОНАТ БИЛАН ЖАЛБ ЭТИЛСИН, КОМСОМОЛ-ЁШЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН, УЛАРНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ВА ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ СОҲАСИДАГИ РОЛИ ОШИРИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қароридан).

Ғалабанинг 40 йиллигига— 40 зарбдор ҳафта

## КОМСОМОЛ ВА ЁШЛАРНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИ

1985 йилнинг 9 майида совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасига 40 йил тўлади. Тошкентнинг комсомол-ёшлари, барча совет кишилари қатори бу шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Меҳнат коллективларида, илмий ва ўқув муассасаларида, ижодий ташкилотларда ёш ишчилар ва интеллигенция вакиллари, студент ва ўқувчилар ўз меҳнатларини оталари улуғ жасоратига — она-Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганлар жасоратига бағишлаш ҳуқуқини олиш учун курашмоқдалар. Шаҳар комсомол ва ёшлари шонли ленинча анъаналарга содиқ қолиб, юбилейни меҳнатда ва ўқишда юксак кўрсаткичлар билан нишонлашга, бу тарихий сана арафасида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Йигит ва қизларнинг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллиги жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг бюроси 1984 йил 30 июлдан 1985 йил 9 майгача «Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта» шиори остида Тошкент ёшларининг шаҳар зарбдор вахтасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Зарбдор вахтанинг асосий вазифаси йигит ва қизларни совет халқининг жанговар, меҳнат ва революцион анъаналари руҳида тарбиялашдан иборатдир. Унда йигит ва қизларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга, КПСС қарорларини бажаришда актив қатнашишига алоҳида эътибор қаратилган. Вахта мобайнида ёшлар Улуғ Ватан уруши фронтларида ўз ҳаётларини бағишлаганлар жасоратига аталган музейлар, стенд ва фотовитриналар барпо этишда иштирок этадилар. Бу материалларда, шунингдек шаҳарнинг бугунги ҳаёти, ёшларнинг меҳнат муваффақиятлари, турмуши ва дам олиши ўз аксини топади.

Шундай материаллар асосида юбилей вахтаси яна бир вазифани адо этади. Бу — ёшларни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотида хизмат қилишга тайёрлашдир. Шунга эришиш кераки, ҳар бир йигитнинг СССР Қуролли кучлари сафида хизмат қилишга ҳарбий-техника билимлари асосларини эгаллаган ҳолда, ГТО нишонини олиб боришларига эришишдан иборат.

Бу ҳақдаги низомда таъкидланишича, зарбдор вахта мобайнида армия сафида хизмат қилаётган чоғида коллектив рўйхатида қолиш ҳуқуқини олиш, ўзи учун ва армия сафида хизмат қилаётган ўртоғи учун меҳнат қилиш мақсадида армия хизматига чақирилувчи ёшлар мусобақасини ташкил этиш зарур.

Вахта мобайнида ўқувчилар уруш инвалидлари, революция, меҳнат ветеранларига оталиқни кенг авж олдиришлари лозим. Медицина институтлари ва техникумларининг студент ва ўқувчилари уруш ва меҳнат ветеранлари инвалидларига, жангда ҳалок булганларнинг оила аъзоларига медицина хизмати кўрсатишда шаҳар даволаш муассасаларига амалий ёрдам беришлари керак.

Учинчи меҳнат семестрида студентларнинг қатнашишини кенг авж олдириш, студент-қурилиш отрядлари составига тартиб бузишларга мойил ўсмирларни ҳам жалб этмоқ керак. Студент-қурилиш отрядининг жангчилари ёдгорлик, ҳайкаллар, мемориал комплексларнинг аҳволи устидан назорат ўрнатишлари лозим. «Ғамхўрлик» операциясига куплаб ёшларни жалб этмоқ керак. Мангу олов ёнида комсомол-пионерлар постини ташкил этиш, шаҳарнинг ҳайкаллари, ёдгорлик ва мемориал лавҳалари ёнида вахтада туриш ҳуқуқини, ветеран, қаҳрамон, машҳур ҳамшаҳар номини олиш учун пионер отрядлари, комсомол ташкилотлари ўртасидаги мусобақани кенг авж олдириш зарур.

Зарбдор вахтани ўтказиш шартларига кўра, унинг ҳар ҳафтаси Қаҳрамон шаҳар л а р-га, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига бағишланади. Зарбдор вахтанинг сўнгги ҳафталари Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленинга ва хотира вахтаси эса фашистлар Германияси устидан қозонилган Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланади. Ўз соҳаларида яхши натижаларга эришган районлар, коллективлар, ВЛКСМ аъзолари шаҳар ёшлар вахтасининг ғолиблари бўладилар. Улар ёшлар зарбдор вахтасини ўтказиш ташкилий комитети томонидан ҳафта якунларига қараб аниқланади. Якунларни кўриб чиқиш чоғида меҳнат, ижтимоий-сиёсий кўрсаткичлар, комсомол ишининг барча йўналишидаги фаолият ҳисобга олинади.

Шунингдек, зарбдор ҳафталар якунлари бўйича энг кўп ғолиб чиққан районлар ва ВЛКСМ аъзоларини шаҳар зарбдор вахтаси охирида комсомол мукофотлари билан тақдирлаш кўзда тутилган.



Студент-қурилиш отряди жангчилари—республика юбилейига

## ЧИНИҚИШ МАКТАБИ



Студент-ёшларнинг ватанпарварлик ҳаракати бошланганига чорак аср бўлди. Ҳар йили олий ўқув юртлари вакилларининг янги-янги авлоди ишчилар сафида чиниқиш мактабидан ўтяпти. Меҳнат мавсуми Тошкент Давлат медицина институти студентлари учун ҳам яхши анъанага айланган. Бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига «Ўзбекистон-60», «Пульс-84», «Қурувчи», «Санфаковец-84», «Кардиолог», «Гиппократ» ва бошқа отрядларнинг 1500 дан зиёд жангчиси зарбдор вахтага турди. Улар Тошкент ва Иваново областларининг қурилиш майдонларида, интернационал ва санитария отрядлари сафида, Тошкент областининг Орджоникидзе райони совхозлари далаларида ишлашяпти. Усмирлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришяпти, Улуғ Ватан уруши ветеранларига ғамхўрлик кўрсатишяпти.

Медик жангчилар ўз тенгдошларига чақириқ билан мурожаат этишди: Қурилишда ва далада ўқишдагидек аъло баҳога ишлайлик.

Отрядлар муассасалар ва қурилишларнинг коллективлари билан танишиб олишди. Дастлабки меҳнат кунлари ортда қолди. Жангчилар тажрибали ишчилар ва мастерлар раҳбарлиги остида сувоқчилик, бўёқчилик касбларини ўрганиб олишди.

Кўпчилик жангчилар кунлик нормани 120—150 процентга етказиб адо этишяпти. Булар орасида Ш. Шералиев, А. Бозорбоев, И. Фёдорова, Н. Каримова, А. Саидазимов ва бошқалар бор. Ёшлар қийналишдими? Ҳа, осон бўлгани йўқ. Лекин ёшлар шаҳримиз кўркига кўрк қўшажак биноларга ўз меҳнатлари қўшилганидан қувонишади.

Жанговар варақаларда илғорларнинг номлари кўрсатиляпти, қолоқлар танқид қилиняпти. Бу ишда юқори суръат ва яхши натижаларга эришилишини таъминлаяпти. Утган даврда ўнлаб минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Студентларнинг фаол иштирокида янги уйлар, даволаш ва ўқув муассасалари қуриляпти, ўнлаб тонна сабзавот ва мевалар терилди. Студентлар отрядлар сафида ишлаш билан бирга ғоявий ва маънавий тарбия мактабидан, ўз характерларини чиниқтириш мактабидан ўтишяпти.

Ҳозирча ҳамма учун зарур кундалик шарафли меҳнат авжида. Меҳнат семестри давом этяпти.

**Д. ТАЙБЕРГ.**

**СУРАТЛАРДА:** «Шифокор» отряди жангчилари Э. Алиев, Д. Юсупова, Б. Ёдгоров, О. Миртурсунов, Б. Авазбоқиев, Д. Абдуназаров, Р. Мирзаеванинг кайфиятлари хуш — улар бугунги топшириқни ошириб бажаришди; студент А. Турсунбоев малакали сувоқчи; «Ўзбекистон-60» отряди студентлари Н. Муталов ва Н. Самиғов бетон қоргичда ишлагач, суратга тушиш учун ҳозиргина танаффусга чиқишди.

Автор фотолари.

*Илмий-техника тараққиёти уфқлари*

## ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ҲИССАСИ

Тошкент шаҳридаги 189 илмий, лойиҳа-конструкторлик ташкилоти ва 19 та олий ўқув юртида 30 мингга яқин ёш олимлар, инженерлар, фан ва халқ хўжалиги турли соҳаларидаги мутахассислар ишламоқдалар. Бугунги кунда шаҳар ёшларининг барча иш ва режалари бутун республикамиз меҳнаткашлари сингари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили планларини муваффақиятли бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик шонли юбилейини муносиб кутиб олишга қаратилган.

Партия даъвати республикамиздаги мавжуд комсомол комитетларини илмий-ишлаб чиқариш потенциалини ишга солишда актив қатнашишга чорламоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўз юритилди. Комсомолларнинг фан билан ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлашдаги иштироки тобора баракали бўлиб бормоқда. Масалан, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент трактор заводининг комсомол комитетлари илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома асосида маҳсулот сифатини бошқаришнинг автоматик системасини жорий этишди, бу эса юз минг сўм иқтисодий самара беради.

«НИИ-ВУЗ» билан боғдорчилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ва Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ёш мутахассис ва ўқитувчилари узвий ҳамкорлиги натижасида полиз маҳсулотларини йиғиб оладиган машиналар яратилди. Ҳозир уларни янада такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Касб маҳорати конкурсларида ёш мутахассисларнинг иштирок этиши уларга катта ёрдам бермоқда. Комсомол комитетлари, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари билан ҳамма жойда ана шундай конкурслар ташкил этилмоқда.

Бу ишда ёш олим ва мутахассисларнинг советлари катта роль ўйнаяпти. «Энг яхши лойиҳачи», «Энг яхши ёш физик», «Энг яхши архитектор» каби номларни олиш учун конкурслар ўтказишда катта тажриба тўпланди. Масалан, «Ташгипрогор», «СредазНИИпроцветмет» институтлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти, Тошкент зонал экспериментал-лойиҳалаш илмий-текшириш институти бунга мисол бўла олади.

Шаҳарда илмий-тадқиқот институтлари ва корхоналарда ёш олим ва мутахассисларнинг 203 та совети ишлаб турибди. Булар ишлаб чиқариш тараққиётини такомиллаштиришда, маҳсулот сифатини ошириш учун курашда актив қатнашмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника институти ёш олимларидан Б. Набихонов ва Ғ. Умаров ва бошқалар узумни гелиоқуритиш мосламасини ишлаб чиқишди. У Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг Бухородаги агросаноат бирлашмасига қарашли «Жилвон» совхозида жорий этилди. Бу йил республика территориясида яна иккита ана шундай мослама қуришга қарор қилинди.

Ҳозирги вақтда шаҳар илмий муассасаларида амалда жорий этиладиган кўплаб илмий-тадқиқотлар бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми материалларида таъкидланганидек, бу долзарб проблемаларни тезроқ ҳал этишнинг янги форма ва воситаларини излаш ва такомиллаштириш лозим. Бу вазифаларни ҳал этишда бизнингча, олим, мутахассис, студентлардан иборат комплекс ижодий ёшлар коллективларини тузиш керак.

Геология ва нефть ҳамда газ конларини қидириш институтининг комплекс ижодий ёшлар коллективининг фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Коллективда ижодий изланиш, ўзаро талабчанлик, ўртоқларча бир-бирига ёрдам, талабчанлик вазияти яратилган. Бу эса катта ижодий муваффақиятларга эришиш имконини бермоқда. Бу коллектив катта муваффақиятлари учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёрлиғи билан мукофотланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарлари умумқўшин кенгашидаги нутқида айтилган сўзлар шаҳримиз ёш олимлари учун ҳаракат программаси ҳисобланади. Яъни ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини, барча янги, илғор нарсаларни жорий этиш вазифаси турибди. Бу ёшларга ўз талант ва қобилиятларини намоён этиш учун мислсиз имкониятлар очиб бермоқда.

**В. ЛИ,**
**Тошкент шаҳар комсомол комитети илмий ёшлар бўлимининг мудири.**

*Рейддан кейинги ўйлар*

## Яна «фирма» ҳақида

Кўп йиллар муқаддам И. Ильф ва Е. Петров жаҳонга машҳур «Антилопа—Гну» автомашинасини, унинг доимий ҳайдовчисини кўрсатишган эди. У ўз корхонасининг рақобат қилиш қобилиятини кўрсатиш мақсадида автомобиль ёркин яшил ранги ёнига «Кел, сайр қилдираман» деб ёзиб қўйган эди. Шундан буён автомобиль транспорти тараққиётида кўпгина даврлар ўтди, заводлар ишлаб чиқараётган замонавий автомобиллар чиройли безатилгани, техника жиҳатдан жаҳон стандарти даражасида туриши, ҳатто ундан ҳам зиёдлиги билан ажралиб туради. «Лада», «Нива», «Волга» ва «Москвич»лар жаҳон бозорларида тобора катта обрў қозонаётгани бежиз эмас. Бу машиналарни бошқариш қулай, хизмат кўрсатиш эса оддий, тежамкор машиналардир.

Бироқ баъзи шахсий автотранспорт эгалари чамаси ўз автомашиналари маркасидан қониқиш ҳосил қилишмаган шекилли, ён ва орқа ойналарини бўяб-безамоқдалар, машина қанотлари ва кузовларига ҳар хил ёзувлар, журналлардан олинган расмларни, баъзи ҳолларда ҳаёсиз расмларни ёпиштириб қўймоқдалар.

Бугун биз бундай бўяб-бежалган машиналарнинг эгалари исм-шарифларини айтиб ўтирмаймиз. Зотан, бу кишилар бундай «машғулот»нинг сариқ чақага қимматлиги ва ҳатто зарарли эканлигини асосан англаб етишган. Машиналарни Голливуд, француз телевидениеси, чет эл буюмлари, НАТО ва ЕЭС эмблемалари билан безатиш баъзи одамларнинг истеҳзоли кулгисига сабаб бўлади, холос.

Аммо биз ўйлаймизки, бу ишлар унчалик оддий нарса эмас. Ғарб давлатларининг идеологик диверсиялар, қўпорувчилик ва разведка марказлари мутахассислари аллақачондан бери ёшлар доирасига асосий эътиборни қаратмоқдалар. Улар оғирчилик ва йўқчиликларни билмаган урушдан кейинги авлоднинг иродаси бўшроқ ва ҳар хил найрангларга лаққа тушади деб хомхаёл қилмоқдалар. Ғарб дунёсининг идеологлари ва ишбилармонлари жимжимадор суратларни кўпайтиришар экан, ёшларни гўёки капитализмнинг «афзаллик»ларига ишонтирмоқчи бўладилар.

Аммо баъзи автомашиналар салонларидаги ҳар хил суратларда акс этаётган давлатларнинг байроқлари остида империализм қандай жиноятлар қилаётгани ҳаммага маълум-ку.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекцияси билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқди ва амалга оширди. Натижада автомобиль конструкциясида кўзда тутилмаган шахсий автомашиналардаги қўшимча жиҳозлар олиб ташланди. Шунингдек, ҳаракат мобайнида ҳайдовчиларни чалғитадиган ва йўлда авария ҳолати туғдиришга сабаб бўладиган ҳар хил ёзув ва расмлар олиб ташланди.

Оператив комсомол отрядининг аъзолари йўл-патруль хизмати инспекторлари билан ҳамкорликда автомашиналарнинг эгалари билан суҳбатлар ўтказишди. Улар ўзлари фойдаланган эмблемаларнинг моҳияти ва зарарини тушунмасдан Ғарб мамлакатларининг давлат символларини пропагандa қилишга ўзлари билмаган ҳолда кўмаклашганлар. Тилни асло билмаслик эса шунга олиб келганки, бир қатор текширилган автомашиналарда енгилтак сўзлар ёзиб қўйилган экан.

Машинани бошидан-охиригача «янги фирма»дан чиққанидек қилиб кўрсатиш жазаваси айниқса олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари текширган автомашиналарда яққол намоён бўлди. Ўқув юртлар комсомол комитетлари ва ўқитувчилари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Наҳотки, улар автомашиналарнинг «безаги» ортида Вьетнамнинг синган дарахтлари, Ливан ва Фаластин фожиаси, Никарагуа ва Чили чекаётган жафолар, қон, кўз ёши, бахтсизлик, очяланғоч болалар, сиёсий тўнтаришлар ва ўлдиришларни кўрмасалар!!

Ҳа, бошқалардан ажралиб туриш учун турли хил тамғаларни ёпиштиришдан олдин яхшилаб ўйлаб олган маъқулроқ.

**Л. ПОЛИКОВСКИЙ,**
рейд қатнашчиси.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ ГРАЖДАНЛАРИГА ДАЪВАТ

БОНН. ГФР тинчлик тарафдорлари «Крефельд хитобномаси» ташаббускорлари Кельнда баёнот бериб, Ғарбий Германия гражданларини мамлакат Американинг биринчи зарба урадиган ракета-ядро воситалари учириладиган майдонга айлантирилишига қарши курашни кучайтиришга чақирдилар. ГФР жамоатчилигининг «Крефельд хитобномаси»ни ҳозиргача 5 миллиондан ортиқ киши имзолади.

Ядровий қуролланиш пойгаси, деб уқтирилади ҳужжатда, уруш хавфини кучайтиради, дунёни фалокат жарига судрайди. Иккинчи жаҳон уруши 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган эди. Башарти термоядро урушининг олди олинмаса, у инсоният цивилизациясини, бутун планетамизни батамом яксон этади, деб таъкидлашади баёнот муаллифлари.

Уруш хавфи қаршисида биз қуролланиш пойгасини тўхтатишни, ёппасига қуролсизланишга киришишни талаб қиламиз.

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

**СОФИЯ.** 2,7 миллиондан зиёд чет эллик ва болгариялик турист шу йилнинг олти ойи мобайнида Қора денгиз соҳилида ва Болгария шифохоналарида дам олди. Шу давр ичида ташкил этилган туристлар 1,3 миллион кишига етди. Уларнинг 19,1 проценти СССРдан, 17,7 проценти ПХРдан ва 16,4 проценти ЧССРдан келди. Қора денгиз бўйидаги бу йил ўзининг 25-мавсумини очган «Қуёшли соҳил» курорти меҳмонларга айниқса манзур бўлмоқда. Чорак аср мобайнида бу ерда 25 минг ўринли 113 та меҳмонхона, 100 минг ўринли курорт посёлкаси ва 7 та кемпинг қурилди.

**ХАНОЙ.** Вьетнамнинг энг жанубий вилояти — Миньхай ирригаторлари денгиз соҳилидаги 445 минг гектардан кўпроқ ерни ўзлаштирдилар. Бу ерда авж олдириб юборилган ўрта ва майда ирригация иншоотлари —каналлар, дамбалар ва тўғонлар комплекс равишда қурилаётганлиги туфайли шўр сувнинг шолипояларга кириш йўлини бекитиб қўйишга ва чучук сувнинг энг мақбул даражасини белгилашга муваффақ бўлинди. Бу эса шолипояларни кенгайтириш имконини берди, йилига бир неча марта шоли ҳосили олиш учун шароит яратди. Миньхай тажрибаси республиканинг кўпгина вилоятларида кенг оммалаштирилди.

**УЛАН-БАТОР.** Монгол олимлари ҳозирги вақтда 18 та йирик фундаментал проблемани ўз ичига олувчи қарийб 100 та мавзу бўйича тадқиқот олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, ҳозирги беш йилликда улар СССРдаги ва бошқа қардош мамлакатлардаги касбдошлари билан биргаликда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган 50 тадан кўпроқ мавзу устида биргаликда иш олиб борадилар. Биргаликдаги Монгол-Совет биология, геология ва маданият тарихига оид экспедицияларнинг изланишлари туфайли мамлакатнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси синчиклаб ўрганиб чиқилди, кўпгина янги тарихий ёдгорликлар очилди, фойдали қазилмаларнинг ката-катта конлари харитага киритилди. МХР Фанлар академиясининг президенти, академик Ч. Цэрэн академиянинг яқинда бўлган сессиясида айтганидек, бу йил монгол олимлари чорва молларнинг сермаҳсул зотларини ҳамда дон ва сабзавот экинларининг янги навларини етиштириш учун биология ва қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида илмий ишлар ўтказишади.

## МАХФИЙ АЙҒОҚЧИЛИК

ЛОНДОН. Консерваторлар ҳукуматининг директиваларига мувофиқ Британия махсус маҳкамалари мамлакатдаги урушга қарши ташкилотларнинг активлари, жумладан энг оммавий ташкилот бўлмиш ядровий қуролсизланиш ҳаракати вакиллари орқасидан махфий айғоқчилик қилмоқдалар.

Урушга қарши ташкилотларнинг активлари махсус маҳкамаларнинг сурбетлик фаолиятига қарши неча марталаб далил-исботлар билан ва ҳужжатлар билан тасдиқлаб норозилик билдирган эдилар. Уларнинг баёнотларида консерваторлар сиёсатидан норози бўлган инглизлар орқасидан доимий айғоқчилик қилиш инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузаётганлиги уқтириб ўтилган эди. Бу айғоқчилик «миллий манфаатларига хавф соладиган қўпорувчилик, террорчилик ёки жосуслик фаолияти» фактлари очиқ-равшан бўлган тақдирдагина телефондаги гаплашувларни тинглашга йўл қўядиган қонунга ҳам мутлақо зиддир.

## СЕНАТОРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

**ВАШИНГТОН.** Калифорния штатидан сайланган демократ сенатор Алан Крэнстон бу ерда, Американинг Покистонга катта миқёсдаги ҳарбий ёрдамини қоралаб гапирди. У конгрессда берган баёнотида АҚШнинг Покистонга бераётган 3,2 миллиард долларли ҳарбий-иқтисодий ёрдам программасини амалга оширишни тўхтатиб қўйишга чақирди, аввало Покистонга ўз ядро қуролини яратиш соҳасида зўр бериб олиб борилаётган ишлар ҳақидаги кўпдан-кўп хабарлар синчиклаб текшириб чиқилгунча унга замонавий «Ф—16» бомбардимончи қирувчи самолётларни етказиб бермай туришни талаб қилди.

Ядро қуролини тарқатмаслик иш группасининг мажлисида сўзга чиққан қуролсизланиш соҳасидаги экспертлар Покистондан олинаётган кўпгина маълумотлар шу мамлакат ҳукмрон доиралари ўз ядро потенциалига эга бўлиб олишга қизиқаётганликларидан далолат беришини уқтириб ўтдилар. Покистон ядро бомбасини яратиши тўғрисидаги масала Покистон-Хитой мустаҳкам техникавий ҳамкорлиги муносабати билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.



*Объективда—Кампучия*

Кампучия пойтахти Пномпенни қайта туғилган шаҳар деб аташади. Бундан беш йил муқаддам шаҳар бутунлай харобазорга айланган эди. Полпот шайкалари шаҳарни бутунлай вайрон қилган эдилар. Эндиликда ёш республика пойтахти қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Бу ерда қатор саноат корхоналари, ўқув муассасалари, музей ва библиотекалар ишлаб турибди.

**СУРАТЛАРДА:** Пномпень марказидаги Ачар Мин кўчаси; дам олиш кунларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.



